



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 20 март, № 55 (5475)

Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг дам олиши учун кулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида: 2012 йил 21 март чоршанба дам олиш кунини 22 март пайшанба кунига, 25 март якшанба дам олиш кунини 23 март жума кунига кўчирилсин;

2012 йил 21 март чоршанба ва 25 март якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 19 март

ЯРАТУВЧАНЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Истиқлол йилларида азалий қадриятларимиздан бири бўлган ҳашар теран мазмун-моҳият касб этиб, яратувчанлик, ташаббускорлик, шижоат ва эзгулик тимсолига айланди. Жорий йилда ҳам Наврўз байрами арафасида ана шу аънаана мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 мартдаги фармойиши билан март — апрель ойлари мамлакатимизда “Ободонлаштириш ва кўкчаллаштираш ойликлари” деб эълон қилинди. Ушбу ойликлар доирасида 17-18 март кунлари юртимизнинг барча ҳудудларида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Умумхалқ хайрия ҳашари

Уни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика ишчи гуруҳи маълумотига кўра, икки кун давомида ҳудудлардаги тураржой маззелари, маҳаллаларда гул кўчатлари, мевали ва манзарали даракхлар экиш, уларни оқлаш ва буташ, кўча ва йўлақлари тартибга келтириш, чиқиндиларни олиб чиқиш, маҳаллалар, аҳоли яшаш пунктлари, кўп қаватли бинолар, ҳовлилар атрофи, гузар, хиёбон, зиёратгоҳ ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш ишлари бажарилди. Кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилалар уй-жой шарт-шароитларини яхшилашга кўмаклашилди. Ушбу эзгу ишларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — 10 мингга яқин маҳаллалар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона ҳамда ташкилотлар аъзолари, таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳодимлари, хуллас, барча юрtdошларимиз фаол иштирок этишди.

— Умумхалқ хайрия ҳашарида 17 миллиондан зиёд киши қатнашди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси, умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика ишчи гуруҳи раҳбари Анвар Аҳмедов. — Икки кун мобайнида улар томонидан 35 минг гектардан ортиқ майдонлар ободонлаштирилди, 23 минг километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. 9 мингдан кўп манзарали, 6500 та мевали даракх, 14 мингдан зиёд гуллар ўтказилиб, улар кўчага хиёбонлар, маҳаллалар жамолига кўрк бўлиб қўшилди. Шунингдек,

38 мингдан ортиқ кам таъминланган оилалар уй-жойлари таъмирланди ҳамда бир миллиард сўмликдан зиёд хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Ҳашар кунлари ижтимоий объектларни фойдаланишга топшириш ва шу орқали иш ўринлари яратиш, болалар спорт майдончаларини қуриш, янги боғлар барпо этиш билан боғлиқ хайрият ишлар ҳам амалга оширилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманидаги Аққул ва “Шарқ Юлдузи” овул, “Қаватқалъа” маҳалла фуқаролар йиғинларида гузарлар, Бўстон шаҳарчасида маъшият хизмат кўрсатиш шохобчаси, “Гулдирсин” овул фуқаролар йиғинида эса иссиқхона ишга туширилиб, ўнлаб иш ўринлари ташкил этилди.

Икки миллиондан зиёд андижонлик ҳашарчилар 4 минг гектардан ортиқ майдонни ободонлаштирдилар. Бог ва хиёбонларга, кўча ва йўл бўйларига бир миллион 380 минг тул гул ўтказилди. 3 миллион 180 минг тулдан ортиқ даракхларга шакл берилди. Айни чоғда 2800 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди, болалар спорт майдончалари, бозорлар, иншоотлар, қабристон ва зиёратгоҳлар тартибга келтирилди.

Сирдарё вилоятининг кўча ва хиёбонлари обод бўлиши билан бирга, Гулистон шаҳридаги “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғини худудида нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, Аҳмад Яссавий номидаги маҳаллада савдо ва маъшият хизмат кўрсатиш шохобчалари, Сайхунобод туманидаги Анормат Ниязов номидаги маҳаллада спорт мажмуаси ишга туширилди.

(Давоми 2-бетда).

ФАРОВОНЛИК ВА ФАЙЗУ БАРАКА

Бозорларимиздаги тўкин-сочинлик ва арзончиликда намоён бўлмоқда



Ғамхўрлик



Халқимиз таъбири билан айтганда, айни “илигузиди” чоғида витаминга бой маҳсулотларга талаб ортиши барчага маълум. Шунинг учун республикамиз, хусусан, Тошкент шаҳри аҳолисини муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз ва арзон нархларда таъминлаш мақсадида тизимли чора-тадбирлар олиб борилаётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Тошкент деҳқон бозорлари. Уларнинг бугунги кийёфаси, бу ерда яратилган шарт-шароитларни бундан 3-4 йил олдингиси билан асло таққослаб бўлмайди. Негаки, кейинги йилларда мавжуд 12 та деҳқон бозорига кенг қўламини ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, улар бутунлай янгилаб қўрилиши

касб этди. Бозорлар худудидаги кўрсаткич, очик расталар ўрнида замонавий, сотувчи ва харидор учун бирдек қўлай бўлган турғун савдо дўканлари барпо қилинди. “Тошбозорбайрловсавдо” уюшмасидан маълум қилишларича, сўнгги йилларда назорат касса машиналари ва тулов терминаллари билан жиҳозланган 4400 дан ортиқ турғун савдо дўканлари, 13 та янги ихтисослаштирилган “Савдо мажмуаси” фойдаланишга топширилган. Бундан ташқари, бозорлар балансидаги 785 та турғун савдо дўкони, 103 та ошхона, 110 та маъшият ва 303 та бошқа турдаги хизмат кўрсатиш тармоғи фаолияти тубдан яшиланиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон бозорлари кейинги йилларда ўзининг файзу таровати, ободлиги билан донг таратмоқда, десак, айни ҳақиқат. Шу боис юртимизга келган меҳмон борки, албатта, бозорларимизни кўришга ошқоқди. Йилнинг қайси фасли бўлмасин, бозорларимизда сархил мева ва सबзавотлар, полиз ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари нафақат арзонлиги, балки сероблиги билан кўзни қувонтиради.

Дарҳақиқат, деҳқон бозорларимиз фермеру соҳибкорларнинг фидокорона меҳнати эвазига етиштирилган нозу неъматлар ила маъмур ва обод. Айниқса, қиш фасли чўзилиб, кўклам соғинтирган ҳозирги пайтда ҳам харидор излаганини, истганини топади. Шубҳасиз, буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг ғоялари асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермер ва деҳқонларга қўлай шарт-шароит яратиб бериш, бозорлар фаолиятини янада такомиллаштириш борасида ҳаётга таътиб этилаётган дастурлар самарасидир.



донинг баракаси бўлади, — дейди сотувчи Нилуфар Олламуродова. — Ҳар кунги ишимиз шу тарзда, қизгин бошланади. Кўриб турганингиздек, мен सबзавот маҳсулотлари сотаман. Уларнинг бари сараланган бўлиб, сифати яхши, нархи арзон. Шунинг учун ҳам харидорларнинг сафи узилмайди. — Нималар сотиб олдингиз? — дея бозорхалталарини зўрға қўтариб кетаётган харидорни гагга соламан. — Рўзгор учун ҳамма нарса, — дейди ўзини Даврон Арзиев деб таништирган киши. — Гўшт, картошка, пиёз, сабзи, гуруч, қовоқ... Баҳор бўлишига қарамай, улар сеиб. Энг муҳими, қиммат эмас. Гўштни айтмайсизми, килоси — 11-12 минг сўм. Кенг ва шинам расталар оралаб,

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нарх-навоси билан қизиқамиз. Суҳбатдошимиз айтганича бор экан. “Авиасозлар деҳқон бозори” очик акциядорлик жамиятида картошка 600 сўмдан 800 сўмгача, пиёз 650 сўмдан 1000 сўмгача, қарам 300 сўмдан 600 сўмгача, сабзи 500 сўмдан 800 сўмгача сотилапти. Олма, анор, беҳи, нок, узум сингари меваларнинг ҳам баҳоси анча паслаган. Бундан ташқари, гуруч, гўшт, тухум ҳам арзонлашибди.

Бозор маъмуриятининг айтишича, “Термиз паррандачилик фабрикаси” МЧЖ томонидан кунига 25 минг донга тухум олиб келиниб, 150 сўмдан, “Порлоқ барака улгуржи савдо” МЧЖ томонидан товуқ гўшти 9700 сўм, шакар 3500 сўм, ўсимлик ёғи 4800 сўмдан, “Дамачи” фирмаси томонидан балиқ 6800 сўмдан сотилапти. Бу каби ҳамкорлар учун бозор худудидан қўлай жой ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминлангани нарх-навонинг барқарорлашувига хизмат қилаётир. Мазалан, навоийлик чорвадор фермерлар томонидан гўшт етказиб бериш йўлга қўйилган, унинг нархи сунъий оширилишининг олди олинди.

— Вилоятимизда 170 та чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги бўлиб, уларнинг деярли барчаси “Авиасозлар деҳқон бозори”га гўшт етказиб бериш бўйича шартнома имзолаган, — дейди Навоий вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Улуғбек Халилов. — Шунга мувофиқ, ҳар кунги ўртача 1,8-2 тонна гўшт келтирилиб, мол гўшти 11 минг, қўй гўшти эса 12 минг сўмдан сотилапти. Бундан аҳоли жуда хурсанд, бизга раҳмат айтиб кетишяпти. Бу ҳамкорлик фермерлар учун ҳам фойдали. Улар етиштирган гўшт миқдорига қараб, арзонлаштирилган чорва озуқаси ва ем билан таъминланапти.

(Давоми 2-бетда).

Замонавий мажмуа очилди

Юртимизда Наврўз шуқуҳи кезиб юрибди. Ҳамюртларимиз қатори меҳмонларда ҳам тинчлик, тотувлик, гўзаллик, ҳамжиҳатлик ва дўстлик рамзи бўлган ушбу баҳорий байрамни яхши кайфият билан кутиб олиш эзгу аънаанага айланган.

Янгилик

Куни кеча Навоий шаҳрида янги ва замонавий “Ханжин Навоий” тураржойининг очилиши меҳмон музокарларга ана шундай қувонч улашди, десак, янгиликнинг очилиши маросимида истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламини ислохотлар, модернизация жараёнлари юртимиз ривожини ва дунёда

муносиб ўрин топиши, хорижий сармоядорлар ишончини янада оширишда асосий роль ўйнагани таъкидланди. “Kogean Air” компанияси томонидан вилоятда фаолият юритаётган хорижий ишбилармонлар ва инвесторлар учун барпо этилган мазкур мажмуа кўркам ташқи ва ички кўриниши, дизайни, пухта моддий-техник базаси билан ўзидан илғор маъиший хизмат кўрсатиш

инфратузилмасини уйғунлаштирган. Мажмуа марказий ҳовли, барча қўлайликларга эга тураржой хоналари, бизнес-марказ, фитнес-клуб, спорт зали, сув ҳавзаси, ресторан каби объектлардан иборат. — Мамлакатингиз бугун изчил ривожланиш йўлидан бормоқда, — дейди “Kogean Air” компанияси президенти Чи Чанг Хун. — Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарорлиги, ул-

кан салоҳияти, ёрқин истиқболлиги бугун бугун дунё ҳавас билан қаради. Юртингизда хорижий бизнесменлар ва сармоядорлар учун барча шарт-шароит, қўлай инвестициявий муҳит ҳамда имтиёзлар яратилган. Булар давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутиб, икки томонлама алоқаларни янада раванк топирши ва янги уфқлар очиб беришга хизмат қилмоқда. Мажмуанинг очилиш маросимида тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, халқаро компаниялар вакиллари иштирок этди.

С. МАХСУМОВ.

Фаоллик ва фидойилик — фаолиятимиз мезони

Президентимиз Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини катта қизиқиш билан тингладик. Юртбошимиз ўз нутқида азим ва навқирон пойтахтимизнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тугган ўрнини ва аҳамиятини чуқур таҳлил қилиш билан бирга, пойтахтимизни келажақда ҳар томонлама ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар, вазифаларни ҳам белгилаб бердилар.

Муносабат

Бу вазифаларни рўйга чиқариш ҳар биримиздан, айниқса, шаҳар Кенгаши депутатларидан фаоллиқни, фидойилиқни талаб қилади.

Дарҳақиқат, Тошкент мустақиллик йилларида Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида мислсиз даражада ўзгарди, чирой очиб бормоқда. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, гўзал бино

ва иншоотлар, тураржойлар, янги-янги олий ўқув юртлири, таълим ва шифо масканлари, магистраль кўча ҳамда проспектлар, муҳташам кўприклар, борроғлар, хиёбонлар барпо этилмоқда. Тошкентнинг салоҳияти нафақат мамлакатимиз, балки минтақа миқёсида тобора ортиб, унинг кўрмаси, кийёфаси замонавийлашиб, кўркамлашиб бораётир. Шулара уйғун тарзда пойтахтимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалиб, саноати ривожланган худудлардан бирига айланди. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 14 фоиздан ортиғи, саноат маҳсулоти ҳамда ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 20 фоизи айнан Тошкент шаҳри улушига тўғри келаётгани унинг катта иқтисодий имкониятларга эга эканидан далolat беради.

(Давоми 2-бетда).

«Наврўз — 2012»

Наврўз байрами арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УЗА муҳбири Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Абдулазиз бин ҲАРУН билан суҳбатлашди.

Абдулазиз бин ҲАРУН: ХАЙРЛИ ИШЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

— Бу йилги Наврўз айёми Ўзбекистон учун ҳам, Малайзия учун ҳам жуда муҳим сана — узаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланаётган йилда байрам қилинмоқда, — дейди Абдулазиз бин Ҳарун. — Шарқ тақвимига кўра, йил боши, янги кун ҳисобланадиган Наврўзда эзгу туйғулар жўш уради, узаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва фазилатлар янада мустаҳкамланади. Миллий урф-одатлар, аънана ҳамда қадриятларинингизни ўзида муҳим жасас этган Наврўзнинг умрбоқийлигида ҳикмат кўп.

Ўзбекистон табиати ҳар фаслда гўзал тароват ва кўринишга эга. Наврўз келиши билан табиат узоқ қиш уйқусидан уйғониб жонланади, наботот ниш уради, юрнинг кут-баракиси, тўкинлиги ва фаровонлиги манбаи бўлган зироат, деҳқончилик ишлари бошланиб кетади. Ўзбекистон халқи ҳам баҳорнинг илк кунларини деҳқончилик, боғдорчилик

ва зироат ишларини бошлаш мавсуми сифатида кенг нишонлайди. Қиш фаслидан чиқиб, баҳор айёмига соғ-саломат етиб келингани ҳамда ерга уруғ қадайдиган фурсат етгани муносабати билан деҳқонларнинг баҳор байрамини катта қувонч билан қарши олмақда.

Аллоҳ бу йил Ўзбекистонга жуда кўп қор ва ёмғир марҳамат қилди. Табиатнинг бундай инъом натижасида Ўзбекистон дарёларидан тўлиб-тошиб оқаётган сув галланнинг мўл бўлишида, кордек оплоқ пахталарнинг чаман бўлиб очилишида, мева ва सबзавотлар сероблигига муҳим омил бўлади. Бахти, иқболи бутун халқингизнинг дастурхони тўкин, ҳаёти фаровондир. Ўзбекистонда байрамларнинг кўплиги, ютуқлар, муваффақият кўламининг ортиб бораётгани ҳам шундан бо-
(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАҲРИ

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

2012 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати

8,2 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда.

Шу мақсадда иқтисодийётимиз ва унинг етакчи тармоқларини жадал ривожлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларни изчил амалга ошириш кутилган самараларни бериши муқаррардир.

(Давоми 2-бетда).

• Реклама ва эълонлар •

■ Таҳлил

Баркамол авлодни тарбиялашда спортнинг аҳамияти беқиёс. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мазкур соҳани ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Зеро, фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюқдир.

СПОРТГА МЕҲР БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Ўз фаолиятини 1993 йилда бошлаган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳам бор куч ва имкониятларини ўғил-қизларимизни жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан етук, юртга садоқатли, фидойи, эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари сифатида камол топтириш йўлидаги эзгу ишларга ҳисса қўшишга сафарбар этмоқда. Биргина 2011 йил мисолида олиб кўрадиган бўлсак, болалар спортини кўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма ва унинг вилоятлардаги бўлиналари томонидан жойларда 1923 та турли спорт мусобақалари ўтказилди. Уларнинг дастлабки босқичларига мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари жалб қилинган, айниқса, диққатга сазовордир. Айтиллик, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда уюштириб келинаётган анъанавий "Кичкинтой-ширинтой" турнири мурғак қалбларда спортга муҳаббат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилувчи ўзига хос мусобақа ҳисобланади. Одатда, бу каби беллашувлар энгил жисмоний тарбия машғулоти оғирлик қилмайдиган усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилади. Чунки асосий мақсад ғолибни аниқлаш эмас, балки спортни оммалаштиришдир.

Жорий йил 10 февралда Оксаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам Президентимиз фарзандларимизнинг спортга қизиқишини болалик давриданок уйғотиш муҳим эканини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. "Болаларни 3 — 5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга. Чунки айтиш шундаки ҳар бир боланинг характери шакллана бошлади, ҳаётга теран кўз билан қарашга ўрганади.

Спортга меҳр кўйган бола бир умр унга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, характерини тоблайди", дея қайд этди давлатимиз раҳбари.



Хеч муболагасиз, айтиш мумкинки, боғча ёшидаги фарзандларимиз жуда ҳаракатчан, тез идрок эта олади-губуни, қобилиятли, соғлом бўлиб улгаймоқдалар. Бу мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг тўғри йўлга қўйилгани билан боғлиқ. Хусусан, мактабгача таълим муассасаларида эрталабки бадантарбия машқлари бола ҳаракатига мос мусиқа садолари жўрлигида олиб борилаётгани, кун давомида эса бадиий гимнастика, энгил атлетика ва шу каби турли жисмоний машғулотлар ўтказилаётгани амалда ижобий натижалар бермоқда. Жисмонан соғлом боланинг эса кайфияти кўтаринки, руҳи тетик, фикрлаш доираси кенг, ёшига нисбатан бўйи баланд бўлади. Булар илмий жиҳатдан ҳам асосланган.

Оқсак эътибор ва ғамхўрлик туфайли республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида иштирок этган ўғил-қизларимиз сафи тобора кенгайиб бораётди. Улар томонидан кўлга кириштирилган ютуқлар салмоғи ҳам сўнгги йилларда янада ортди. Масалан, бир пайтлар вакилларимиз учун фақатгина орозу бўлган жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида бугун истиқлол фарзандлари — ёш спортчиларимиз юртимиз байрогининг баланд кўтариллишига, мадҳиямиз баралла анграшига эришмоқдалар. Бундай уну-

тилмас лаҳзалар қалбимизга ўзгача ғурур ва ифтихор туйғуларини бахш этмоқда. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси 2002 йилдан буён Ўзбекистон стол теннис федерацияси билан ҳамкорликда мунтазам мусобақалар ўтказиб келаётди. Бу амалда ўз самарасини бераёпти. Жумладан, ўтган йили мазкур спорт тури бўйича Ригада уюштирилган халқаро турнирда Ўзбекистон аёллар терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, май ойида Голландиянинг Роттердам шаҳрида 195 терма жамоа вакиллари иштирокида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 6 нафар теннисчимиз мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиб, энг кучли спортчилар сафидан жой олди.

Айтиш жоизки, стол теннис энг оммавий спорт турларидан биридир. У кишини тезкорликка, ҳаракатчанликка ўргатади, аниқ ва тўғри фикрлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради. Демак, бу спорт тури жажжи ўғил-қизларимиз камолотида

ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, жамғарма томонидан болалар ўртасида ҳам стол теннис мусобақалари уюштирилмоқда. Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари мезбонлик қилган Ўзбекистон чемпионатлари, ўсмирлар ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Соғлом авлод учун" кубоги республика турнирлари шулар жумласидандир.

Маълумки, юртимизда спортнинг оммавий ва нафис тури саналган синхрон сузиш ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Унинг қизларимиз учун фойдали жиҳати шундаки, қадди-қомати раво қилади, жисмонан ва руҳан бардамлик бағишлайди. Чунки сув танага ҳам, қалбга ҳам бирдай ижобий таъсир кўрсатади. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси 2003 йилдан буён маҳаллий ҳокимликлар кўмағида ушбу спорт турини жойларда оммалаштириш ва зарур шарт-шароитлар яратишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ана шу даврдан то 2011 йилга қадар синхрон сузиш бўйича бешта жаҳон чемпионати ўтказилган бўлса, уларда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Қитъа ўйинлари, жаҳон кубоги мусобақалари, шунингдек, Исроил, Таиланд, Малайзия, Япония, Миср давлатлари мезбонлик қилган нуфузли халқаро мусобақаларда ҳам спортчи қизларимиз юқори натижаларга эришишди.

Республикаимизда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ўқувчи-ёшлар сони ортиб бораётгани ёш авлоднинг соғлом ҳамда бақувват бўлиб шаклланишида ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, 2005 — 2011 йилларда мутлақ соғлом болалар мамлакат бўйича 52,7 фоиздан 62,9 фоизгача ўсгани, сурункали касалликларга чалинган болалар сони кескин камайгани, ўғил ва қиз болаларнинг ўртача бўйи ҳамда вазни ошгани, ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар орасида хизматга лойиқ, деб топилганлар сезиларли даражада ортгани бунинг яққол тасдиғидир.

Мухтасар айтганда, истиқлол даврида юртимизда эзгу мақсад билан бошланган барча ишлар замирида баркамол авлод орзуи мужассамдир. Зеро, мазмун-моҳияти билан бири-бирига ҳамоҳанг бўлган Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Сиҳат-саломатлик, Ёшлар, Баркамол авлод йилларида улкан чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Шубҳасиз, бу эзгу ишлар Мустаҳкам оила йилида ҳам изчил давом эттирилади.

Фирдавс ХОЛИҚОВ,
«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бўлим бошлиғи.

KDB Financial Group
UzKDB Bank / RBS NB Uzbekistan CJSC

*кўп миллатли Ўзбекистон халқини,
ўз миждоғлари ва ҳамкорларини*

Наврўз

*байрами билан чин
қилган тадбирқлайди!*

*Сизларга сиҳат-саломатлик,
хонадонларингизга
файзу баҳарка, келгусидаги
ишларингизда улкан
зафарлар тилайди!*

UZTRANSOAZ
JOINT-STOCK COMPANY AKSIADORLIK KOMPANIYASI

*Байрамимиз муборақ,
азиз кўрдосимлар!*

*Сизларни амтилатимиз
ва амарини айёти —*

НАВРЎЗИ ОЛАМ

*Билан чин қилган
қутлаймиз!*

*Мустаҳкам оила йилида барчангизнинг
хонадонингизга тинчлик-тоғувлик,
қут-баракка, бахт-саодат,
бунёдкорлик ишларингизда
муваффақиятлар тилаймиз!*

**«Ўзтрансгаз» акциядорлик
компанияси жамоаси**

Мамлакатимиз банк тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида кўрсатилган хизматлар кўлами кенгайиши билан бирга, сифати ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Пировардида аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончи янада мустаҳкамланаяпти.

Халқ банки:

МИЖОЗ ИШОНЧИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Президентимиз томонидан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинганлиги бошқа тижорат банклари қаторида Давлат-тижорат Халқ банки зиммасига ҳам муҳим вазифаларни юқлади. Йил муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида жамиятимизнинг асосий бўғини бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларнинг, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ман-

фаатларини химоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш каби кенг қўламли чора-тадбирлар камраб олинган. Айни пайтда Халқ банки жамоаси ушбу дастур ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор", деган инсонпарвар тамойилни илгари сурмоқда. Ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимо-

ий химоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш каби вазифалар шулар сирасига киради.

Халқ банки томонидан, шунингдек, аҳоли хонадонларида чорвачилик, парран-

Аёл тadbиркор бўлса...

Халқ банки бир неча йиллардан буюн Германия Жамғарма кассалари фонди билан ҳамкорликда оилавий бизнесни ривожлантириш, аёллар тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини рўёбга чиқариб келмоқда.

2010-2011 йиллар давомида эса мазкур ҳамкорлик лойиҳаси доирасида 215,0 минг евро миқдоридagi кредит тўлиқ ўзлаштирилди. Мустаҳкам оила йилида ҳам ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, 267,8 минг евро миқдоридagi кредитлар берилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, тadbиркор аёлларга 2012 йилнинг ўтган икки ойида 3 млрд. 575 миллион сўм миқдоридagi банк маблағлари ажратилди. Шундан 47 таси ёш оилалардир.

дачилиқ, асаларичилиқ, мева-сабзавот ва боғдорчиликни ривожлантириш, шунингдек, иссиқхона қуриш учун кредитлар бериш тартиби ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан, жорий йилнинг бир ярим ойи давомида 2,0 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Натижада 330 дан зиёд оила аъзолари иш билан таъминланди. Йил охирига қадар мазкур йўналиш бўйича яна 15,5 млрд. сўмликдан ортиқ кредитлар берилиши режалаштирилган.

Сифатли хизмат — давр талаби

Жорий йилда банк филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини ривожлантириш учун 324,2 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилиши, бунинг ҳисобига ўттиз икки мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Бу жараёнда оила мустаҳкамлиги ва турмуш фаровонлигида муҳим намба бўлган оилавий бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга устувор вазифа сифатида жиддий эътибор қаратилади. 2012 йилнинг ўтган икки ойи давомида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига 50,0 млрд. сўм, 202 та оилаларга 803,2 млн. сўм миқдоридagi кредит маблағлари ажратилгани бунинг ёрқин исботидир. Пировардида 2500 тадан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

Шу билан бирга, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш каби иқтисодийнинг етакчи тармоқларига 16,32 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилган бўлса, ёш оилалар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини тadbиркорликка жалб қилиш мақсадида 906,0 млн. сўм йўналтирилди. Бу, ўз навбатида, 200 нафарга яқин коллеж битирувчиларига тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имконини берди.

Оилалар мустаҳкамлигининг асоси

Халқ банкининг Бўка тумани филиали жамоаси томонидан ҳам "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан муайян ишлар олиб борилаяпти.

— Банкининг молиявий кўмаги туфайли етти хазинанинг бири — паррандачиликни йўлга қўйдик, — дейди "Қорақўйли" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Файз-баракка маҳалласида истиқомат қилувчи Шерзод Уролов. — Натижада 35 кунда уч тоннадан ортиқ пархез гўшт етиштиришга муваффақ бўлдик. Бу — ойига 2 миллион сўм соф фойда олинди,

дегандир. Келгусида фаолиятимизни яна кенгайтириб, чорвачиликни йўлга қўйишимизда, албатта, яна банк кўмагига суянамиз.

Банкининг Тошкент вилояти филиали томонидан кичик бизнес ва оилавий тadbиркорликни ривожлантириш мақсадида турли танловлар ўтказилган ҳам ўз самарасини бераёпти. Шундай танловда голиб деб топилган 5 та лойиҳа эгаси имтиёзли шартларда 1,4 млрд. сўм миқдоридagi кредитлар олиб, 100 га яқин иш ўрни очди.

Қисқача айтганда, Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда хал қилувчи куч сифатида шаклланган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида хизматлар кўламини тобора кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Банк матбуот хизмати.



ХАЛҚ ВАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

ХАЛҚ ВАНКИ

мамлакатимиз аҳолисини
меҳр-мурувват
ва эзгулик айёми —
**Наврўз умумхалқ
байрами**
билан табриклайди!

Юртимиз тинч, турмушимиз
янада фаровон, осмонимиз
ҳамиша мусаффо бўлсин!
Наврўзи олам муборак,
азиз юртдошлар!



**ДИЛЛАРИНГИЗНИ БАЙРАМ
ШОДИЁНАЛАРИ АСЛО ТАРК ЭТМАСИН!**



«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АК ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини янгилашиш ва яшариш айёми —

Наврўзи олам

билан чин дилдан қутлайди!

Табиатда уйғониш, қалбларда меҳру мурувват
чашмалари кўз очаётган шундай ажиб
дамларда барчага мустаҳкам соғлиқ,
оилавий хотиржамлик тилайди!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жамоаси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У. Н. Вафоева укаси
Алишер Назарович ВАФОЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Автотранспорт эксплуатацияси факультети декани ўринбосари Раъно Жуманиёзовага падали бузруквори
Худойберган ЖУМАНИЁЗОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиди ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Наманган вилояти хўжалик судининг 2010 йил 31 майдаги 16-1019/4933-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Наманган шаҳар бўлими томонидан хатланган, «Наманган ободончилиги» МЧЖга тегишли, Наманган шаҳри, Истиклол кўчасида жойлашган, умумий эгалаган ер майдони 230,16 кв. м. дан иборат ошхона бино-иншооти.
Бошланғич баҳоси — 16 323 188 сўм.
2. Наманган вилояти хўжалик судининг 2011 йил 12 сентябрдаги 16-1103-9977-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Чуст тумани бўлими томонидан хатланган, Чуст тумани, «Фова» ҚФЙ, «Гулистон» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 340,55 кв. м., фойдали майдони 517,48 кв. м. дан иборат маъмурий бино.
Бошланғич баҳоси — 75 951 900 сўм.
3. Наманган вилояти хўжалик судининг 2011 йил 5 сентябрдаги 16-1102/7850-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Наманган шаҳар бўлими томонидан хатланган, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 333-уйда жойлашган, «Чорсу деҳқон бозори» ОАЖга тегишли, ер майдони — 3,48 гектар, алоҳида бинолар сони 8 та, асосий хоналар сони 107 та,
Бошланғич баҳоси — 2 000 000 000 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалида қабул қилинади (соат 12.00 дан 13.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 20 апрель кuni соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатлат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказилаётган манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй. Расмий сайтими: www.1kms.uz
Телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47.

Лицензия: RR-0001.

Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилган хизматлар «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини қафоламлаймиз.

ОБ-ҲАВО	Коракалхонист Республикаси ва Хоразм вилоятида	Бухоро ва Навоий вилоятларида	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	Тошкент шаҳрида
(20 март)	-3 -8 0 +5	0 -5 +2 +7	0 -5 +2 +7	-3 +2 +3 +8	0 -5 0 +5	-3 +5 +7

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5